

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 15 июнь • № 24 (1201)

Хамшира – 2018

## БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

ҳайъат аъзолари томонидан ҳаққоний баҳоланди

**Хамшира... Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибаларининг беминнат хизматидан баҳраманд бўлмаган киши топилмаса керак. Қалби дарё, беморлар дардига малҳам бўлаётган, тунларни тонглarga улаб, тиним билмайдиган саломатлик посбонларининг фидойилигига тан берсак арзийди. Шунини алоҳида эътироф этиш муҳимки, уларнинг касбий маҳорати ҳамда фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Кунинг кеча пойтахтимизда ўтказилган Республика «Хамшира-2018» кўрик-танлови бунинг ҳақиқий ифодаси бўлди.**

Жорий йилнинг 12-13 июнь кунлари Тошкент шаҳрида «Хамшира-2018» кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди. Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши ва Ўзбекистон Хамширалар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Эътирофлиси шундаки, йилдан-йилга ўз нуфузига эга бўлиб бораётган «Хамшира» кўрик-танловининг таъсир доираси тобора ошиб бормоқда. Айниқса, жорий йилги танлов очкилик, ошкоралик, шаффофлик ҳамда ҳаққонийлик мезонлари руҳида ўтказилди. Жорий йилги «Хамшира-2018» кўрик-

лан астойдил меҳнат қилаётган ҳамширалар беллашиб келмоқдалар. Шундай экан, ҳар йили «Хамшира» кўрик-танловида қатнашиш насиб этган ҳамширалар бешта шарт бўйича ўз билим ва тажрибаларини синаб кўра эдилар. Жорий йилда эса кўрик-танлов шартларига бироз ўзгартириш киритилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан Республика босқичига етиб келган 14 нафар ҳамшира 4 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Ундан фақатгина 3 та шарт ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Иштирокчилар 2018 йилнинг 12 июнь кунини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида танловнинг иккинчи шартини, яъни амалиёт бўйича ўз би-



**Кунинг иккинчи ярмида ҳамшираларимиз Мустақиллик майдонидаги «Мотамсарона» ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.**

Жорий йилнинг 13 июнь кунини Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта мажлислар залида учинчи шарт, яъни

бердилар. Натижалар ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

Сўнгра тадбирнинг асосий қисми бошланиб, унда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Сайдуллоҳ Сайдалиев сўзга чиқиб, бу йилги танловга юксак даражада

димлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳод Хананияев ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган фаолиятларда ҳамшираларнинг ўрни беқиёс эканини, соҳага оид чиқарилаётган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш-



танловининг низомига қўшимча киритилиб, ҳайъат аъзолари таркиби ўзгартирилди. Унга кўра, Ҳайъат раиси Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон қаҳрамони Зайниддин Низамходжаев раҳбарлигида Давлат хавфсизлик хизмати, Республика Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Ўзбекистон темир йўллари, Ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясига қарашли тиббиёт мутахассисларидан иборат таркиб тuzилди.

Босқичма-босқич амалга оширилаётган (шаҳар, туман, вилоят, республика) мазкур танловда ўзининг билими, маҳорати ва юксак истеъдоди би-

лим ва тажрибаларини ҳамширалик ишининг энг мураккаб жараёнларида синовдан ўтказдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, қабулга келаётган ҳар бир беморга танлов иштирокчилари томонидан тезкор, яъни биринчи ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, амалиёт жараёнида ҳамширалардаги зукколик, эпичиллик, шунингдек, санитария ва гигиена, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш, касаллиқни ташхислаш давомидаги муомала маданияти ва биринчи ёрдам кўрсатиш ҳакамлар ҳайъати ҳамда кузатувчилар томонидан инobatга олиб борилди.



тиббиёт соҳасига доир назарий билимлар бўйича беллашув бўлиб, ушбу шарт OSCE-объектив структурлашган клиник имтиҳон шаклида ўтказилиб, унда 14 та станция, яъни тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича маълум мутахассислар синовидан ўтдилар. Албатта, мазкур шарт ҳамширалар учун осон кечмади. Улар саволларга жавоб бериш билан бир қаторда амалий ҳолатларни муляжлар орқали кўрсатиб



тайёргарлик қўрилгани, ҳар бир шарт ва ҳайъат аъзолари таркибига бўлган жараёнлар очкилик ва адолат талаблари мезони асосида ташкил этилганлигини таъкидлади ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг танлов иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон қаҳрамони Зайниддин Низамходжаев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш хо-

да патронаж хизматининг қамрови кенгайиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошишида уларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ эканлигини алоҳида тилга олдилар.

Танловнинг биринчи шарт «Хамшира ташрифи» деб номланди. Унда иштирокчилар ўзлари меҳнат қилаётган муассаса, касби, жойлардаги ўзгариш ва ислохот жараёнлари (Давоми 2-бетда).

Хамшира – 2018

# БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

## ҳайъат аъзолари томонидан ҳаққоний баҳоланди

тўғрисида исталган шаклда маълумот бердилар. Низом талабига кўра ушбу шарт ҳакамлар томонидан баҳоланмади.

Тўртинчи шартга ҳам ўзгартириш киритилиб, тиббий-ижтимоий, сиёсий билимларга доир, шунингдек, блиц савол-жавоблар ўтказилди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу шартда иштирокчиларга ўйлаш учун вақт берилмади. Улар бу шартда тезкорлик, зукколик ва билим тажрибаларини ишга солган ҳолда жавоб бердилар.

Чинакам баҳс майдонига айланган маъмур танловни малакали ҳайъат аъзолари адолат мезонлари доирасида ҳолисона баҳолаб бордилар. Ҳар бир шарт бўйича кўйилган баҳолар изоҳлаб, йўл кўйилган ҳол ва камчиликлар тушунтириб берилди. Ютуқлар эътироф этилди.

Зеро, кенг аудиториядаги бу кўрик-танловда республика миқёсига чиқишининг ўзи катта бахт бўлса, кўп сонли томошабинлар нигоҳида, яъни катта сахнада куч синашишининг ўзи бўлмади. Бир сўз билан айтганда, улардаги билим, маҳорат, истеъдод бир-бирига уйғунлашиб, иштирокчилар эътиборини ўзига тортди.

Ҳар бир иштирокчи-ю томошабинлар учун ҳаяжонли дақиқалар бошланди.

Танловни одилона олиб борган ҳайъат аъзолари ҳар бир шарт бўйича иштирокчилар олган балларни эълон қилишди. Сўнгра, улар орасидан фахрли ўринларга муносиб бўлган голибалар аниқланди.

Танловда Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон вилоят филиали Марказий қабулхона бўлими ҳамшираси Дилноза Холиқова биринчи ўрин совриндори бўлди. Жиззах вилоят Зомин туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси Ҳолида Юсупова иккинчи, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона

**Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ,**  
Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Каҳрамони:

– Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида илғор ҳамширалик мактаби яратилди, десам хато бўлмайди. Президентимиз томонидан “Ҳамширалик иши”га бўлган эътибор ва ғамхўрлик, шунингдек, мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида хизмат қилаётган 350 минг нафардан зиёд ҳамширалар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш уларнинг ўз касбига бўлган меҳрини янада ошироқда. Бунинг баробарида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан “Йилнинг энг фаол ҳамшираси”, “Ҳамшира” кўрик-танлови, Халқаро ҳамширалар кунининг мунтазам ўтказиш келинаётганлиги ҳам бундан мустасно эмас. Бўлиб ўтган ушбу кўрик-танловда иштирок этган 14 нафар ҳамшира қизларнинг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида амалий жараёнларни бажариб, қабулга келган беморларга биринчи ёрдам кўрсата олишда тажрибаларини ишга солиб, тезкорлик ва масъулият билан ёндашганликлари бизни мамнун этди. Улар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш ва муолажаларни

**Баҳодир АБДУЛАХАТОВ,**  
Мудофаа вазирлигининг тиббий госпитал бошқармасининг илмий ишлар бўйича ўринбосари:

– Ушбу Республика “Ҳамшира” кўрик-танловида илк бор иштирок этиб, ҳайъат аъзоси сифатида ҳамшираларнинг шартлар бўйича билимларини баҳолаб бордик. Нуфузли тарзда ўтказилган тадбирда касб либослари ўзига ярашиб турган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 14 нафар қатнашчида бугунги замонавий ҳамширанинг асл кийфасини кўрдим, десам муболаға бўлмайди. Иштирокчилар



лари ва қатор идора ҳамда ташкилотларининг тиббий йўналишидаги мутахассисларидан иборат бўлди. Улар тадбирнинг бошидан охиригача ҳар бир шартларнинг синчковлик билан кузатиб, одилона ёндашдилар. Шу ўринда Соғлиқни сақлаш вазирлиги номида ҳакамлар ҳайъатига чексиз миннатдорлигини билдириб, доимий ҳамкорликда иш олиб боришга умид билдираман. 14 нафар ҳамшира бор куч имконият билим ва малакаларини ишга солган ҳолда томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар. Зеро, сахнадан ўрин олган ҳар бир ҳамшира биз учун голиб, чунки улар эл назарига тушган ва меҳнатлари кадр топган юрtda яшаётган бахтли касб эгаларидир.

**Дилноза ХОЛИҚОВА,**  
1-ўрин соҳибаси  
(Андижон вилояти):

– Республика “Ҳамшира” кўрик-танловидаги иштироким менга катта омад келтирди. Аввало, гўзаллиги бетақдор бўлган Тошкент шаҳрига келиб, 13 нафар ҳамкасбим билан дўстона учрашувимиз ҳамда Мотамсаро Она ҳайкали пойига гулчамбарлар кўйганимиз, катта сахнада ўзaro беллашувимиз бир умр хотирамда муҳрланиб қолади. Мен бу қувончли дақиқаларни кутмангиз эдим, номим эълон қилинганда Юртбошимизнинг “Мен сиз ёшларга ишонаман...” деган сўзлари она Ватаним ва касбимга бўлган меҳримни янада ошириб юборди. Қўлга киритган муваффақиятим, бу албатта, Президентимизнинг биз ёшларга яратиб бераётган кенг имконият ва шароитларидан деб биламан. Бундай катта ютуққа эришимизда аввало, Давлатимиз раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ота-онам, оилам барча устоз ва ҳамкасбларимнинг ҳиссаси катта деб биламан. Уларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман. Юртбошимиз билдирган юксак ишончини оқлаб, келажикда шифокорлик касбини эгаллаб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда астойдил меҳнат қиламан.

етиб келишни ҳам ўзи бўлмайди. Айниқса, катта сахналарда истеъдод ва маҳоратни намойиш этиш, ҳакамлар ҳамда томошабинлар олқишига сазовор бўлиш осон эмас. Бу йилги танлов шартларига ўзгаришлар киритилиб, танлов иштирокчилари тадбир давомида 4 та шарт бўйича ўз билим ва малакаларини синовдан ўтказдилар. Улар ўзарo беллашиб, амалий жараён ва клиник имтиҳонларни, тиббий, ижтимоий-сиёсий ва блиц саволларига зукколик билан жавоб бердилар. Мухтасар қилиб айтганда, қалби эзгуликка йўғрилган ҳамшираларимизнинг фаолиятдаги машаққатли меҳнатларига тан берсак арзийди. Шундай экан, биз бу каби тадбирларни доимий қўллаб-қувватлаб, мунтазам тарзда давом этиши фарқдоримиз.

**Рихси САЛИХАДЖАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси:

– Бу йилги кўрик-танловимиз олдинги йилларга қараганда, ўзига хос тарзда ўтказилди. Биринчидан, танлов Низомига ўзгаришлар киритилди. Бундан ташқари, ҳайъат аъзолари ҳар йили тиббиёт олий ўқув юр்தлари профессор-ўқитувчилари, тиббиёт муассасаларининг шифокорларини ташкил этар эди. Ушбу тадбирда ҳайъат раиси Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Каҳрамони Зайниддин Низамходжаев, ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат хизмати хавфсизлиги, Ички ишлар, Мудофаа вазирлик-



танловнинг таништирув шартда ўзларининг самимий ва илиқ фикрларини баён этган бўлсалар, тиббий, ижтимоий-сиёсий ва блиц саволларга зукколик билан жавоб бердилар. Шундай экан, бу каби фидойи, чаққон ва билимдон ҳамширалар сафини кенгайтираётган “Ҳамшира” кўрик-танлови ташкилотчиларига миннатдорлик билдириб, бундан кейинги тадбирлар янада раванқ топишига ишонамиз.

**Фарход ХАНАПИЕВ,**  
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ҳодимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси:

– Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган республика “Ҳамшира” кўрик-танловини ўзига хослиги шундаки, тизимда меҳнат қилаётган ўз касбининг моҳир усталари бўлган ҳамширалар нечоғлик тиббий билимга эга эканлиги, қолаверса, тажриба бобида чаққон ва меҳрибонлиги ўз ифодасини топиб келмоқда. Ўз ҳудудларида голибликни қўлга киритиб, Республика финал босқичига



вилоят филиали қабул диагностика бўлими ҳамшираси Марҳаб Абдукаримовага учинчи ўрин насиб этди. Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам “Ҳамшира-2018” танловда биринчи, иккинчи, учинчи ўринни қўлга киритган голиблар тиббиёт олий ўқув юр்தларига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинади.

Шунингдек, фахрли ўрин соҳибалари ҳамда иштирокчилар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

(Давоми. Боши  
1-бетда).

бехато бажариш, шунингдек, танловнинг бошқа шартларига ҳам низом талаблари асосида жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Фахрий биринчи ўринни қўлга киритган андижонлик Дилноза Холиқова номи эълон қилинганда унинг кўзларидеги қувонч ёшларини кўриб, ҳамширанинг машаққатли меҳнати ортидаги махсули нечоғлик кадр қимматга эга эканлигини янада дилдан хис этиб, голибага диплом ва эсдалик совғаларини топширганимда бу каби тадбирлар бир-биридан чаққон ва зукко ҳамшираларни забт янада шижоатга ундаётганлигига амин бўлдим.

Ибодат СОАТОВА.  
Жасур ЖАЛИЛОВ олган суратлар.

Анжуман

# ПРОФИЛАКТИК ТИББИЁТНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

**Президентимиз томонидан жорий 2018 йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш" йили деб эълон қилинганлиги, бу албатта, барча соҳа ривожда ўз ифодасини топаётганлиги қувонарли ҳолдир. Айниқса, фаол тадбиркорлик қолаверса, инновацион гоёлар ва технологияларнинг ҳар бир тизим йўналишига изчиллик билан кириб келаётганлиги жамиятимиз ривожда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

эшиттирди. Тадбирда Қирғизистон Республикаси Ўш давлат университети, тиббиёт факультети декани, доцент А. Исмаилов, Ўш клиник шифонаси бош шифокори, профессор Ш. Сулаймонов ҳам сўзга чиқиб, қардош ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий дўст, қадрдон эканлигини, бугунги кунда ҳар икки давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар, айниқса, тиббиёт соҳасида Андижон давлат тиббиёт институти билан халқаро алоқаларнинг янада юксалиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар.

**Германия ҳамкорлик халқаро ташкилотининг** вакиллари ҳам сўз олиб ҳамкорликда олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида эътибор қаратди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, анжуманнинг янада нуфузли ўтишида халқаро ташкилотнинг ҳиссаси катта бўлди.

Анжуманда замонавий профилактик тиббиётнинг қуйидаги, яъни ички касалликларнинг олдини олишда янги инновацион технологиялар, кардиоваскуля



ИФТИХОР

Кейинги 15 йил давомида институтнинг иқтидорли ёшлари, илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этиб, долзарб мавзуларда илмий ишлар олиб бормоқдалар. Ўқув дастурида белгиланган барча фанларни аъло даражада ўзлаштириб, илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этиб келаётган 13 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиати соҳиби бўлишга эришди.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳасини янада такомиллаштириш, шунингдек, тизимни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, аҳолига қўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юқори босқичга кўтариш, соҳада янгилик

лари ва соҳаларига инновацияларини жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ижросини изчил таъминлашда фаолиятлар жадаллик билан олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг, вилоят ҳокимининг ўринбо

**А. КОЗЛОВ,  
профессор (Россия):**

**– Мен Андижонга бир неча бор келганман. Андижон давлат тиббиёт институти Россиянинг нуфузли олий ўқув юртлири, тиббиёт марказлари билан таълим соҳасида маҳорат дарсларини ўтказиш бўйича яхши ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Сўнгги йилларда андижонлик ва россиялик мутахассислар ҳамда талабалар алмашинуви йилдан-йилга ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Андижонга шу йилнинг февраль ойида келгандим. Орадан озгина вақт ўтиб яна ташриф буюрдим. Бу ердаги улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгаришларни кўриб қувондим.**

ва инновацион технологияларга кенг йўл очишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аҳамиятисини шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш замирида тиббиётнинг асоси ҳисобланган профилактикага эътибор қаратиш борасидаги кўрсатмалари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган «Профилактик тиббиёт: бугун ва эртага» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман 2018 йилнинг 8-9 июнь кунлари Андижон давлат тиббиёт институтида бўлиб ўтди. Унда Россия, Германия, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан келган мутахассислар қатнашишди.

Конференцияни Андижон давлат тиббиёт институти ректори Мадаминжон Мадазимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги фаолиятларга ургу қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 5 майдаги «Ўзбекистон Респуб-

сари Сербобиддин Исмоилов сўзга чиқиб, юртимизда тиббиёт соҳасидаги янгилик ва ўзгаришлар, хусусан, хорижий олимлар ҳамда тажрибали мутахассисларнинг вилоятга ташрифи, тажриба алмашинуви, улар иштирокидаги анжуман, учрашув ва маҳорат дарсларининг мунтазамлиги малакали тиббий ёрданинг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этаётганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, анжуманга ташриф буюрган чет эллик ва маҳаллий соҳа мутахассисларни анжуман билан самим-



саларини қўшиб келмоқдалар. Дарҳақиқат, профилактик тиббиёт бугунги кунда энг долзарб йўналиш бўлиб, инсон саломатлигининг мустаҳкам химоячисига айланиб бормоқда. Албатта, бу йўналишда юрак қон-томир ва сурункали юқумсиз касалликларнинг олдини олиш, турли хасталикларнинг хавфли омилларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш масалалари кирди. Шундай экан, институтда ички касалликлар, кардиология ва юқумсиз касалликлар профилактикаси бўйича муаммолар ҳайъати фаолият олиб бормоқда. Бу ҳайъатнинг профилактика соҳасида олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида эътирофга лойиқ.

## ЭЪТИБОР БЕРИНГ

**Андижон давлат тиббиёт институти олимлари МДХ-да биринчилар қаторида тиббиёт профилактикасига йўл очдилар. Муассаса олимлари томонидан халқаро стандартлаштирилган усул ва ягона режа асосида кенг масштабли популяцион-профилактик изланишлар олиб борилмоқда. Институтда тиббиёт профилактикаси соҳасида халқаро миқёсда кўзга кўринган етук мутахассислар фаолият кўрсатади. Бу даргоҳда профилактик кардиология бўйича илмий мактаб очилиб, республикада шу соҳада мутахассислар тайёрлашда фаол иш олиб борилмоқда. Ушбу мактаб фаолиятида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинлари фаолиятини кенг миқёсда яхшилаш, соғлом авлод шаклланишини таъминлаш, аҳоли соғлигини сақлаш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласига эътибор қаратилмоқда.**



ликасида тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқ-

ми кутлади. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Ҳабибулла Оқиллов тадбирда иштирок этиб, бу каби юқори даражадаги анжуман соҳа фаолиятида ўз ўрнига эга эканлиги ҳусусида атрофлича тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шадмановнинг табригини ўйиб

ва юқумсиз касалликларнинг бирламчи ва иккинчи профилактикаси, юрак қон-томир етишмовчилиги асоратларининг медикаментоз даволаш, фармакоэпидемиология ва фармакоэкономиядиёти, шошилчн ва режали жарроҳликда асоратларда пронолаш профилактикаси ва инновацион технологиялар билан даволаш, оилда ўтир ва сурункали касалликларнинг профилактикасига замонавий қарашлар, болалар ва ўсмирлар, аёллар гинекологик касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш, ВИЧ/ОИТС ва инфекция касалликларини профилактикаси каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда россиялик академик Р. Ақурин «30 йиллик тажрибадан келиб чиқиб юрак ишемик касаллигини жарроҳлик йўли билан даволаш», германиялик профессор Салман Турриал «Кичик инвазив жарроҳлик», россиялик профессор А. Попов «Генитал пролапсин жарроҳлик йўли билан даволаш», украинлик мутахассис Г. Соловьёва «Жигар ноалкоголь

ёғли касалликларини даволаш ва профилактикаси» мавзуларида таърифуз килдилар.

Тадбир доирасида ички касалликлар, жарроҳлик, болалар касалликлари, травматология, нейрорхирургия ва ортопедик хасталик бўйича секцияларда турли долзарб мавзуларда маъруза ва маҳорат дарслари ўтказилди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда институт профессорларидан Неъматжон Мамасолиев, Зухриддин Салоҳиддинов, Сайфиддин Юнусов, Қобилжон Худойбердиев, Ғуломиддин Ходжиматов, Мадаминжон Мадазимов каби малакали мутахассислар кенг миқёсда илмий изланишлар олиб бориб, профилактик тиббиётни юқори босқичга олиб чиқишда ўзларининг беқеъс ҳис-

Мазкур анжуманда иштирок этган мутахассислар профилактик тиббиётнинг энг сўнгги янгиликлари, чора-тадбирлари, диагностикаси, шунингдек, даволашнинг самарали йўллари борасидаги билим ва малакаларини оширдилар. Яна шунини таъкидлаш лозимки, конференция иши давомида мутахассислар учун илмий-маърузалар, тиббий-қўриқлар, маҳорат дарслари ва жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Бунинг баробарида институтнинг магистратура ва клиник ординатура йўналишидаги талабалар ва изланувчи тадқиқотчилар ҳамда иқтидорли талабалар ҳам иштирок этиб, ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Бир сўз билан айтганда, хорижий давлатлардан иштирок этган 60 нафардан зиёд соҳа мутахассислари нуфузли анжуманнинг ниҳоятда самарали ҳамда юксак даражада ташкил этилганлиги ва ўз ичига долзарб масалаларни камраб олинганлигини эътироф этдилар.

Ибодат СОАТОВА,  
Одил УРОҚОВ олган суратлар.

14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни

## САХОВАТГА ЙЎҒИРИЛГАН ЭЗГУЛИК

**Қалбда одамийлик ҳисси уйғоқ инсон ҳамиша яхшилик улашиб яшайди. Айниқса, қилинган хайрли ишлар кимнингдир соғлиғини тиклашга, умрини узайтиришга кўмак берса, киши учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Донорлар ана шундай бегараз ёрдам кўрсатувчи, эзгу ниятли инсонлардир.**

Маълумки, қон, унинг компонентлари ва препаратлари (плазма, эритроцитлар, тромбоцитлар, альбумин ва иммуноглобулинлар) инсон ҳаёти хавф остида қолганда қўйилади. Шунингдек, қон тизими касалликлари (оғир даражали камқонликлар, лейкоз, яъни оққон хасталиги, қон ивиш тизими бузилиши – гемофилия касаллиги, коагулопатиялар), саратон, патологияли оғир кечадиган туғуруқлар, операциялар, оғир

лаш тўғрисида»ги 202-сонли қарори қабул қилинган эди. Унда донорга Ўзбекистон Республикаси «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунда белгиланган қон топширигандан кейин бепул овқатланиш, текширув ўтиш ва қон топширган кунлари 2 кунга ишдан (ўқшдан) озод этилишидан ташқари шифохонага ётқизилганда овқатланишга пул тўлашдан озод этилиши имтиёз сифатида белгиланди. Қарорда «Ўзбекистон

ловчи қон хизмати эса соғлиқни сақлашнинг муҳим қисми. Бутунжаҳон донорлар куни арафасида, барча ҳудудларда кўп йиллар бегараз қон топшириб келаётган донорлар ва донорлик ҳаракатида иштирок этувчи инсонларни рағбатлантиришга бағишланган тантаналар бўлиб ўтмоқда.

Донорлар 18 дан 60 ёшгача бўлган соғлом инсонлар бўлиб, улар Республика қон марказида тўрт босқичли тиббий текширувдан ўтказилиб, шифокор тавсиясига биноан, донорлик қилиши мумкин. Соғлом киши учун қон топшириш, албатта, хавфсиз ҳисобланади. Чунки одам организмда 4,5- 5 литр қон бўлиб, ундан 200 ёки 400 миллилитр олинади ва организм 36 соат ичида топширилган қон микдорини тиклаб олиш хусусиятига эга. Асосийи, артериал гипертония хасталигининг олдини олиш ва бартараф этиш, моддалар алмашинувини яхшилаш, шунингдек, иммун тизимини мустаҳкамлашда қон топширишнинг аҳамияти беқиёсдир. Этиборлиси, мамлакатимизда «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ушбу йўналишда қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Донорлар билан ишловчи тиббий муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида бегараз донорлиқни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётганлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Соҳада амалга оширилган кенг қўламли илоҳотлар натижасида тизим муассасалари фаолияти такомиллаштирилиб, энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қон куйиш станциялари фаолияти йўлга қўйилган. Пойтахтимизда бир қатор шифо масканлари, жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, академик В. Вохилов номидagi Республика иختисослаштирилган хирургия маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг II клиникаси, шунингдек, Тошкент шаҳар қон куйиш станциясида қон тайёрланади ва улар пойтахтимиз шифохоналарида даволанаётган беморларнинг қонга бўлган эҳтиёжини таъминламоқда.

**«Донор ким ўзи?»**  
Тиббиёт нўқтаи назаридан қараганда, қон бу органларга озۇк ва кислород етказиб берувчи суюқлик. У шундай мураккаб тузилганки, ҳозир илм-фан ривожланган давр бўлса-да, унинг ўрнини тўлиқ босадиган маҳсулот яратилмаган. Демак, инсоннинг қонга бўлган эҳтиёжини қондирадиган ягона манба бу уларнинг ўзи, яъни донорлар қонидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан биринчи бўлиб қон гуруҳларини аниқлаган олим Карл Ландштейнернинг туғилган куни – 14 июнь жаҳонда Донорлик куни деб эълон қилинган. Донор ким ўзи? Донор оғир дамларда беморга ҳаёт бахш этувчи олижаноб кишидир. «Донор» сўзининг маъноси ҳам саховатни, ҳимматни ифодалаб, «ҳада этаман» деган маънони беради. Донор қон топширар экан, фақат бировнинг ҳаётини сақлаб қолмайди, аксинча ўзининг соғлиғини ҳам ўйлаган бўлади. Бугунги кунда иқлим ва экологик муҳитнинг ўзгариши натижасида юрак қон-томирлари касалликлари кўпайиши кузатилмоқда. Бу касалликда вақти-вақти билан қон олдириш гоят муҳим ҳисобланади. Соғлом организм учун қон топшириш ҳеч

қандай зарар етказмайди. Аксинча, қон топшириш қонларнинг ҳаракатини енгиллаштиради, тўқималарга озۇк ва кислород етиб бориши оsonлашади, юрак фаолияти яхшиланади. Топширилган қон ўрни икки суткада тўлиқ тўлдирилади. Олинган захира қон ўрни эса икки ойда тўлади ва қон янгиланади.

**Республика Қон куйиш марказига борганмисиз?**

Осиё тараққиёт банки лойиҳаси бўйича институтнинг Республика қон маркази замонавий ўқуналар билан жиҳозланган. Қон маркази таркибиде куйидаги бўлимлар фаолият олиб борапти: донорлар, қонни қайта тайёрлаш ва вақтинча сақлаш, ОИТС лабораторияси, бак-лаборатория

Европа стандартларига жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

ОИТСни ташхислаш бўйича лаборатория ва клиник-биохимик лаборатория бўлими Республика гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари донорларининг қонини ВИЧ, HBsAg ва HCVга, клиника беморларининг клиник-биохимик таҳлиллари, фракционерлик бўлими махсулотини текширади.

Иммунологик лаборатория донорлар қони апробацияси, эритроцитлар типлаш, сенсибилизация ҳомиладор аёлларда иммунологик зиддият туғдуга келишини кузатиш билан



даражали куйишлар ва турли фавкулотдаги ҳолатларда асқотади. Бундай вазиятда керакли микдордаги қонни топиш учун соғлом инсонларнинг доимий, бегараз қон донорлигига жалб этилади.

Дарҳақиқат, ҳар йили 14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни сифатида нишонланади. Бу йилги шior «Ўзгалар ҳақида ўйланг. Қон топширинг. Ҳаёт улашинг» деб эълон қилинди. Ушбу тadbирнинг бош мақсади қон куйиш учун хавфсиз қоннинг муҳимлиги ва қон донорларининг зарурлигини чуқурроқ англаб етишни шакллантиришдир. Бу қон, авваламбор, донорлик қонлари ва қон компонентларига дунё бўйлаб ошиб бораётган талабга фаоллик билан жавоб қайтараётган кўнгилдиларнинг инсоният олдидаги хизматларини рағбатлантириб, уларга миннатдорлик билдиришга имконият яратди.

Мамлакатимизда бегараз донорлик ва уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар давомида «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, қон хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, қон ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида бегараз донорлиқни ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бинобарин, меҳнат жамоалари, олий ўқув юртиларини қон ва қон маҳсулотларининг қандай хасталикларда қўлланилиши, донорлиқнинг организм учун фойдали жиҳатлари, ўз навбатида донорнинг саломатлигига доир маълумотлар берилмоқда.

Донорлик ҳаракатини республика миқёсида ривожлантириш, қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ва бегараз қон топширувчи фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» («Почетный донор Республики Узбекистан») кўкрак нишонини тасдиқ-

Республикаси фахрий донори» кўкрак нишонини билан ўз қонини камида қирқ марта ёки унинг таркибий қисмларидан бир қисмини камида олтими марта бепул топширган донорлар мукофотланадилар. «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишонини ва унга гувоҳнома Бутунжаҳон донорлар кунинида Соғлиқни сақлаш вазири ёки унинг номидан бошқа масъул шахслар томонидан тантанали маросимда топширилади. Бутунжаҳон донорлар куни нишонланадиган кунда юрдошларимизга «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишонини ва гувоҳномасини тантанали равишда топшириш яхши анъанага айланмиш улгурди. **Жорий йилнинг 14 июнь кунин Республика қон куйиш марказида ушбу санага бағишланган тadbир бўлиб ўтди.** Уни Республика қон куйиш маркази директори Рустам Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда донорлик ва унинг инсон ҳаёти учун нечоғлик қимматга эга экани хусусида тўхтади. Сўнгра инсонларга эзилган бахш этаётган, ўз қони билан наҳот бағишлаётган бир гуруҳ донорларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 21 майдаги 326-сонли буйруғига мувофиқ тошкентлик Александр Терешкин, Абдубосит Фуломов, Аслиддин Тўхсанов, Александр Назаров, Фания Хабиева, Лилия Халилова, Ҳасан Қосимов, Қорақалпоғистонлик Рустам Алимов, фарғоналик Баҳромжон Алимов ва навоийлик Сайдулла Очилова «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишонини топширди.

Донорлик жамиятимизнинг ҳар бир соғлом аъзоси учун бурч бўлиб қолиши учун, уни кенг миқёсда тарғиб-ташвиқ қилиш зарур. Тиббиёт ходимлари билан биргаликда аҳоли орасида тарғибот ишларини амалга оширишда барча жамоат, нодавлат, хайрия ташкилотлари, турли хил фондлар иштирок этишлари керак. Мамлакат жамоатчилигининг қўллаши ва иштироки, қон донорлиги инсонлар ҳаётини сақлаб қолишини, хавфсиз қон ва унинг маҳсулотларини таъмин-



рия, биокимё ва иммунология лабораториялари, қон препаратлари сифатини назорат қилиш, қон захирасини бошқариш маркази экспедицияси, сайёр бригада, дорихона ва виварий.

Донорлар бўлими донорларни кўриқдан ўтказди, бегараз донорлардан қон ва плазмаларни, кадр донорлардан плазма (янги музлатилган, стафилококка қарши) ва тромбоцитлар тайёрлайди, терапевтик беморларга даволловчи плазмаферез муолажасини ўтказди. Узак ҳужайраларни тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Бўлим қон тайёрлаш, плазмаферез ва плазмацитаферез учун Европа стандартларига мос келадиган замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Донорлар бўлими донорлик ва даволловчи плазмацитаферез учун гравитацион жарроҳликни такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий қилиш; экстракорпорал гемокоррекция операцияларини ўтказиш; институт клиникаси беморларига плазмацитаферез йўли билан олинган қон компонентларини тайёрлаш билан шуғулланади.

Қонни қайта тайёрлаш ва вақтинча сақлаш бўлими центрафуга қилингандан кейин эритроциттар масса ва плазма, тромбоцитлар, криопреципитат, ювилган эритроцитларни тайёрлаш билан шуғулланади. Бўлим қон ва унинг компонентларини қайта ишлаш ва сақлаш учун Европа стандартларига мос келувчи ускуналар билан жиҳозланган.

Сайёр гуруҳлар сайёр шароитда қон тайёрлаш ва тайёрлашни режалаштириш бўйича ишлаш давом эттирилмоқда. Талабалар ва аҳоли ўртасида бегараз донорлиқни ривожлантириш бўйича тарғибот олиб борилмоқда. Бўлим қон тайёрлаш бўйича

шуғулланади. Лаборатория шифокорлари донорларни реципиентларга индивидуал саралашни ўтказди. Гемаглютинация қилувчи ва резусга қарши зардоб ва резусга қарши иммуноглобулин ишлаб чиқариш учун ҳам ашё йиғиш билан шуғулланадилар. Лаборатория изосерология ва трансфузиядан кейинги асоратларнинг олдини олиш масалалари бўйича шифокор-лаборантларни тайёрлайди.

Клиник лаборатория донорлар қонининг клиник-диагностик тестларини амалга оширади. Қон препаратлари бўлими 10 фоизли альбумин, инсон иммуноглобулини, антистафилокок ва резусга қарши гамма-глобулин тайёрлайди. Беморларни парентерал озиклантирувчи янги препарат (эритроцит массасининг гидролизати) ишлаб чиқариш устида иш олиб борилмоқда. Бўлим Ўзбекистон Республикасида қон препаратларини ишлаб чиқариш бўйича услубий марказ ҳисобланади.

Бактериологик лаборатория қон препаратлари ва компонентлари зарарсизлигини назорат қилади. Республика гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти донорнинг сифилис билан бруцеллёз касаллиги билан оғриганлигини текширади. Иммуно плазмадонорларида махсус антителолар титрини аниқлайди.

Марказий Республика қон препаратлари сифатини назорат қилиш лабораторияси ишлаб чиқарилаётган қон препаратлари ва қон ўрнини тўлдирувчи эритроцитлар сифатини назорат қилади. Даволаш-профилактика муассасаларига клиник тажрибалар учун трансфузион эритроцитлар муҳитини кечаю-кунда этказиб беради.

**Қон – бу ҳаёт! Агар инсон организмда бу модда етарли бўлмаса, қандай ҳолат рўй бериши барчамизга маълум. Донорлиқни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган киши эса чинакам маънода саховатлидир. Шундай экан, умрини эзгуликка бағишлаган юрдошларимизни «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишонига сазовор бўлганлиги билан Соғлиқни сақлаш вазирилик ва тахририятимиз ижодий жамоаси номидан самимий қўлаймиз.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**  
Суратлар муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.

## Сфера здравоохранения

## ЭНДОКРИНОЛОГ — ПРОФЕССИЯ ВОСТРЕБОВАННАЯ

Под руководством Президента Шавката Мирзиёева в стране реализуются целенаправленные меры по совершенствованию системы здравоохранения, повышению качества медицинских услуг.

За последние годы уделяется огромное внимание дальнейшему развитию и совершенствованию эндокринологической помощи населению. В этом можно убедиться на примере позитивных изменений в деятельности Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии. При государственной поддержке современное многофункциональное подразделение стало обладать большими диагностическими и лечебными возможностями, высококвалифицированным персоналом.

Сегодня медицинское учреждение с поликлиникой на 250 посещений в день, большим диагностическим отделением и 286-коачным стационаром имеет достаточную материально-техническую базу. Созданная единая информационная сеть и электронная история болезни позволяет значительно улучшить процесс лечения, поддерживать локальную сеть со всеми областями республики, оперативно собирать необходимую информацию, консультировать пациентов из отдаленных населенных пунктов.

Приоритетными задачами Центра являются ликвидация йододефицитных состояний, современный подход к диагностике и лечению сахарного диабета, мероприятия по лечению патологии щитовидной железы, включая различные виды ее дифференцированного рака, которые включают в себя методы операционного вмешательства и нуклеарной медицины, — рассказывает профессор, директор Республиканского

специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии Анвар Алимов. — Наши специалисты занимаются созданием регистра различных форм сахарного диабета, аденом гипофиза и заболеваний надпочечников, внедряют международные стандарты лечения нейроэндокринных больных, используют высокотехнологичные методы оперативного лечения широкого спектра заболеваний. Сегодня



наш Центр также считается единственным в стране подразделением, оказывающим помощь детскому населению по всем направлениям эндокринологии.

Здесь осуществляют деятельность узкие специалисты самых различных направлений, таких как тиреоидология, эндокринная хирургия, диабетология, нейроэндокринология, нейрохирургия, репродуктивная эндокринология и другие. Они неоднократно проходили обучение и стажировку в

клиниках Великобритании, Франции, Японии, Республики Корея и Российской Федерации. За годы независимости ими защищено более 20 докторских и свыше 100 кандидатских диссертаций, написано около двух тысяч монографий, методических и практических рекомендаций, научных статей, получены десятки патентов на научные изобретения и практические внедрения.

Знающие свое дело специалисты и ученые осуществляют организационно-методическое руководство территориальными профильными медицинскими организациями, оказывают содействие в проведении профи-



лификацию эндокринологи из других регионов нашей страны. Действует прекрасно подготовленная и сработавшая команда сотрудников среднего и младшего медицинского персонала, делающая пребывание пациента комфортным и спокойным.

Благодаря высокому профессионализму специалистов отделения диабетической нефропатии, гемодиализа, кардиодиабета, гнойных осложнений сахарного диабета и сонного апноэ неуклонно растет число пациентов из Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана и Туркменистана.

К примеру, деятельность отделения нуклеарной медицины, связанная с использованием и хранением источников ионизирующего излучения полностью соответствует условиям работы предъявляемыми международными нормами МАГАТЭ от 18.02.98. по ядерной медицине принятым в городе Вене. Здесь на высоком уровне проводятся радионуклидные исследования щитовидной и паращитовидных желез, динамическое исследование почек.

В отделении эндокринной хирургии успешно выполняются хирургические вмешательства на

щитовидной железе, паращитовидных железах, надпочечниках и репродуктивных органах человека. В отделении диабетической нефропатии, которым заведует Мохира Айходжаева, проводится своевременная диагностика диабетической нефропатии, лечение больных с выявленной патологией почек, основанное на мировых стандартах, а также продление диализного периода жизни больных, повышение качества жизни пациентов. Отделение также является школой практических навыков по ведению тяжелых больных с осложнениями сахарного диабета для бакалавров, магистров и клинических ординаторов медицинских вузов страны. Здесь получают новые знания и опыт курсанты кафедры эндокринологии ТашИУВ.

В РСНПМЦЭ последовательно разрабатываются и внедряются современные методы дифференциальной диагностики и лечения больных с различными опухолями гипофиза (болезнь и синдром Кушинга, ФНОГ, пролактиномы, акромегалия).

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Фото автора.

## Маҳорат дарслари

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА...

Жорий йилнинг 9 июнь кунин Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида "Ўз-ўзини бошқариш қандли диабет касаллигини даволаш учун асос бўлиб хизмат қилади" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳри ва вилоятлари бирламчи тизимда фаолият юритаётган умумий амалиёт шифокорлари, маҳаллий эндокринолог ва бошқа тор соҳа ходимларининг малакасини оширишга қаратилган ушбу анжуманда Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги эндокринология илмий-амалий тиббиёт институтининг профессори А. Майоров ва козогистонлик тиббиёт фанлари номзоди С. Букаева иштирок этиб, соҳанинг долзарб мавзулари, хусусан, қандли диабет касаллигининг эрта аниқлаш ва даволаш, беморларнинг ўз-ўзини назорат қилиши бўйича тавсиялар бериш борасида билимларини оширишга доир мазмунли маҳорат дарсларини ўтказишди.

Анвар Алимов, Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

— Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга қаратилган меърий-ҳуқуқий ҳужжатлари, хусусан, 2017 йил 20 июндаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослашган тиббий ёрдам қўраш

ни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги 3071-сонли қарори, 2017 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 5216-сонли фармони фаолиятларимизни янада такомиллаштиришда дастуриламал вази фасини ўтамоқда. Уларнинг ижроси юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудудларда шифо мақсатлари қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминланмоқда. Хусусан, эндокринология йўналишида ҳам бу каби ишлар босқичма-босқич бажарилмоқда. Марказимиз мутахассислари вилоятларга чиқиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш баробарида маҳаллий соҳа ходимлари билан ўзаро тажриба алмашишмоқда. Яъни умумий амалиёт шифокорлари, лаборатория ходимлари, ҳамширалар, эндокринолог ва бошқа тор соҳа мутахассислари учун тренинглар, маҳорат дарслари ўтказилляпти. Бунинг баробарида, илмий ва ёш ходимларимиз жаҳоннинг етакчи клиникаларида малака ошириб қайтишмоқда. Шунингдек, Қашқадарь, Навоий, Наманган ва Андижон

вилояти эндокринология диспансерлари Марказимизнинг филиалига айлантирилди. Шунингдек, амалиётга дунё миқёсидаги эришилган ютуқларни татбиқ этиш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Жанубий Корея, Украина, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Чехия давлатларидаги етакчи тиббий-илмий марказлар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Келишувларга биноан чет элдаги нуфузли клиникаларнинг мутахассислари пойтахтимиз да вилоятларда маҳорат дарсларини олиб бориб, операциялар ўтказишляпти. Бугунги халқро анжуман ҳамда маҳорат дарслари шулар жумласидандир. Яъни Тошкент шаҳри ва вилоятдаги шифокорларнинг билим ва тажрибасини бойитиш, дунё тажрибасини ўзлаштириш имконини бериши, деса муболаға бўлмайд.

Марълумки, қандли диабет бутун дунёда тиббиёт, хусусан, эндокринологиянинг глобал муаммосига айланиб бормоқда, — дейди россиялик профессор, Александр Майоров. — Ўз-ўзини даолаш, ушбу касалликни даволашда янгича ёндашув ва усуллари амалиётга татбиқ этиш керак. Шу билан бирга, бундай беморларнинг ўзини-ўзи назорат қилиши жараёнида замонавий асбоб-ускуналар фанга кириб келмоқда. Жумладан, глюкометрлар. Улардан фойдаланганда нафақат бемор, балки шифокорларнинг ҳам малакаси етар-

лича бўлиши зарур. Шу боис, биз мамлакатингиздаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази билан айнаи шу мақсадларга қаратилган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Унга қўра, маҳаллий шифокорларингизнинг амалиётда асқотадиган маҳорат дарслари, мазмунли ўтказишни келишиб олганмиз. Бу нафақат улар учун фойдали, балки бизга ҳам тажриба алмашишга қўмақ бермоқда. Сабаби, маҳаллий шифокорларингиз томонидан соҳада қўллаб ютуқларга эришилмоқда. 1987 йилдан эндокринология илмий-тадиқот марказида фаолият юритиб, 300 дан зиёд ортқ илмий ишларга муаулифлик қилган бўлсамда, шифокорларингиздан ҳам соҳага доир ангилқларнинг билиб олдим. Утаётган маҳорат дарси маҳаллий ҳамкасбларимнинг фаолиятда асқотди. Уйлайманки, ҳамкорлигимиз бардам бўлиб, ўзининг ижобий самарасини беради.

— Биламизки, диабет — бутун умрлик касаллик бўлиб, жиддий асоратларга олиб келади, — дейди козогистонлик мутахассис Салтанат Букаева. — Шу боис, барча давлатлар жамоатчилиги

Дарҳақиқат, қундан-қунга соҳада инновацион технологиялар татбиқ этилмоқда. Бу эса мутахассисларнинг бугунги талабига монанд фаолият юритишни таъминлаш баробарида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилишига ишончимиз комил.

Жонибек МАЪРУПОВ.

## Видеоселектор

## ЯНГИЛИК, ШИЖОАТ ВА САДОҚАТ ЗАРУР

**Жорий йилнинг 8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ҳайъат аъзолари, мутасадди раҳбарлар, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари директорлари, тиббиёт муассасалари раҳбарлари, шунингдек, онлайн тарзда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ҳамда маъсул ходимлар иштирок этди.**

Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси студиясидан кириш сўзи билан очиб, тизимда амалга оширилаётган фаолиятлар, олинган турган вазифалар, шу билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида сўз юритди. Шундан сўнг, йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалаларни таништириб ўтди ва **биринчи масала** - Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва унинг худудий бошқарув органида, тиббиёт муассасаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукумати ҳужжатлари, топшириқлари ижросини назорат қилишни самарали ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат инспекцияси бошлиғи Хайрулла Тожиев ахбороти тингланди.

Маърузачининг таъкидлашича, бу борада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бirlашмаларидаги ҳолатларни қониқарли, деб бўлмайди. Жумладан, ижрога йўналтирилган меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар мuddатига яқин қолганда

ёки сабабсиз кечиктирилиб, бажарилганда ҳам шошма-шошарлик билан юзаки амалга оширилмоқда. Шунингдек, жойларда белгиланган муассасаларда қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ҳам тўлиқ якунланмаган. Тадбир давомида аниқланган ҳолатлар бўйича худудлар билан боғлиқ, камчиликлар юзасидан тегишли хулосалар берилди. **Иккинчи масала** - 2018 йил Инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари дастурининг 2-чорак натижалари таҳлили ва 2019 йил Давлат ривожлантириш дастури шакллантириш ишлари тўғрисида вазирлиқнинг қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш мониторинги ва назорат бошқармаси бошлиғи Акмал Норбеков сўзга чиқиб, мавжуд вазиятларга батафсил тўхталиб ўтди. Айниқса, ханузгача лойиҳа режаси ва молиялаштириш ишлари тугалланмаган объектлар борлиги ва улар билан ишлашда ортқича сусткашликка йўл қўйилаётганлиги айтиб қаратди. Шу билан бирга, жойларда "Обод қишлоқ" дастури асосида Соғлиқни сақлаш тизимига тегишли 194 та ҳамда шаҳарлар кесимида амалга оширилиши лозим бўлган "Обод маҳалла" дастури бўйича 51 та объектлар режаси ҳозирга қадар шакллантирилмаганлигини

айтиб ўтди. Шу бўйича Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Норбековдан вилоятда ханузгача 11 муассасада молиялаштириш ишлари очилмаганлигига изоҳ сўралди. **Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган асосий масалалардан яна бири** - аҳолига хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан Давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган фаолиятлар хусусида Республика шoshiлини тиббиёт ёрдам илмий маркази директори Асилбек Худайров ахборот берди. Маърузачи айтиб ўтганидек, тизимни ривожлантириш мақсадида Президентининг Қарор ва Фармонларида кўрсатилган вазифалар ижроси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича вилоят ёрдам мунтазам махорат дарслари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ярим йиллик натижаларига кўра, хорижда малака ошириши режалаштирилган 103 тез тиббиёт ёрдам хизматида фаолият юритувчи 50 нафар мутахассисдан 38 нафари чет элда бўлиб қайтди ва улар марказ ҳамда худудлар кесими бўйича белгилаб олинди. Бундан ташқари, бирламчи тизим фаолияти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Қарорда кўрсатилган юридик-ҳуқуқий янгиликлар, алоқа воситалари базасини кучайтиришга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, Call марказлари ташкил этиш бо-

расида ҳамма алоқадор ташкилотлар билан Тошкент шаҳрида қўлланиладиган намуна лойиҳаси устида ишланмоқда.

Маъруза давомида айтиб ўтилган тизимда муаммо бўлиб турган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, фельдшерлик бригадалари, ўриндош шифокорлар масалалари, мурожаатларнинг ўтган йилга нисбатан кескин кўпайиши натижасида кадрлар етишмовчилиги ҳамда тоғолди худудларида сифатли тиббиёт хизмати таъминлашда қўшимча махсус автотранспорт воситалари билан боғлиқ вазиятларга эътибор қаратилди. **Навбатдаги масала** - кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббиёт-ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари борадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт-ижтимоий ёрдам муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Инаков маъруза қилди. Хуусан, Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрда қабул қилинган "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгилаб берилган вазифалар бўйича олиб борилаётган фаолиятлар, камчилик ва муаммолар ҳамда келгу-

сида бажарилиши лозим бўлган режаларга тўхталиб ўтди. Айниқса, уларга замонавий, сифатли тиббиёт хизмат кўрсатишни таъминлаш, бунинг учун шу йўналишдаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада салоҳиятли кадрларни кўпайтириш мақсадларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, бу борада олинган турган вазифаларга нафақат марказда, балки республикамизнинг барча худудларида маъсулият билан ёндашиш кераклигини таъкидлади. **Бешинчи масала** - ҳайъат ишнинг келгуси режалари, тақлифлар ва куз-қиш мавсумига тайёрлик борадида вазирлиқнинг йиғма ахборот-таҳлил ва методология бошқармаси бошлиғи Муроджон Мўминов сўзга чиқиб, вазирлик ҳайъатининг иккинчи ярим йилликка мўлжалланган бешта устувор масаладан иборат яна учта йиғилиши ўтказилиши режалаштирилаётганлигини баён қилди. Йиғилишда кўриб чиқилган масалалардан ташқари, Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази ДУК бўлим бошлиғи Мухаббат Ибрагимова сўз олиб, дори воситалари ва тиббиёт буюмлар харидининг тартиби бўйича ахборот берди.

**Танқидий-таҳлилий тарзда ўтказилган йиғилиш сўнгидан, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан худудлар билан тўғридан-тўғри боғлиқ, танқидий хулосалар берилиб, ҳайъат йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинди.**

Хасан АБДУҒАНИЕВ.

## Муносабат

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Тиббиёт ходимлари мунтазам ўз устида ишлашни, доимий ўз касбий маҳоратини ошириб боришни талаб қиладиган, машаққатли, лекин шарафли касб эгаларидир. Шифокорлик касбига оид билимларни эгаллаш учун ўртача саккиз йил керак бўлади. Соҳа ходимлари таъқидланган йиллар давомида назарий ва амалий билимлар асосида малака ошириб, мутахассис сифатида шаклланади.**

Таъкидлаш лозимки, тиббиёт ходимлари иш фаолиятининг натижалари беvosита ижтимоий ҳолатга эга бўлиб, кўпинча бирор бир шахсининг соғлиғи билан чекланмасдан, жамият барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу касб эгаларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Одамлари соғлом бўлган жамиятнинг келажаги фаровон бўлиб, унда барқарорлик, ўсиш ва ривожланиш ўз аксини топади. Бу эса шу мамлакатнинг тиббиёти ва шифокорларнинг билим даражасига ҳамда аҳолининг барча қатламларини сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олинишига боғлиқдир. Шифокорлар ўз ишига виждонан ёндашиб, бемор ҳаёти учун қайғуришни ҳамда бор билим ва тажрибасига таянган ҳолда уларни доволашни мақсад қилиб қўяди.

Албатта, шифокор авваламбор кўп йиллик тажрибга эга бўлсагина беморни доволашда ижобий натижага эриша оlishи мумкин. Шу ўринда таъкидлаш мумкин, ҳар бир инсон ўз саломатлиги тўғрисида жиддий қайғуриши, хасталанганда шифокор вақтида мурожаат қилиб, касаллик тарихи тўғрисида маълумот бера олиши керак. Шундай ҳолатлар бўладики,

бемор тезда тузалмаса ёки унинг ҳаёти сақлаб қолинмаса, миждонинг яқин кишилари тиббиёт ходимларини айблашади. Маълумки, кейинги йилларда тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган эътироз ва чақирувга борган шифокорларга хонадон эгалари томонидан ҳатто қўл кўтариш ҳолатлари ҳам юз берди. Шу боис, ижтимоий тармоқлар орқали тиббиёт ходимларининг фаолияти кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, бемор бирор тиббиёт ходимининг ўз вақтида кўрсатмаган ёрдами ёки тиббий хизматдан қоникмаганлиги, чақирувга келганда зарурли дори воситаларининг йўқлиги ва муомаласининг ёқмаганлиги ҳам танқид қилинади. Аммо, шифокорларнинг инсон ҳаётини сақлаш йўлида 24 соат ухламасдан меҳнат қилишини, тез ёрдам ходимлари чақирувдан чақирувга югуравериш тушунли ва кечки таом истеъмол қилишга вақти бўлмаганлигини, ўн икки-ўн тўрт соатлик жарроҳлик амалиётини тик оёқда бажараётганлигини, қолаверса, шифо масканларида кунига 15-20 нафар беморни қабул қиладиганлигини инкор этиб бўлмайди. Афсуски, ушбу касб эгаларининг машаққатли ҳамда маъсулиятли меҳнатлари қанчалик оғир экан-

лигини кўпчилик ҳис эта олмайдди.

Ҳозирги вақтда давлатимиз томонидан бемор ҳуқуқларига катта эътибор берилмоқда, лекин аҳоли орасида шундай беморлар учрамоқдаки, улар ўзларининг ноўрин хатти-ҳаракатларидан шифокорлар химояланмасдан қолмоқда. Бундай беморлар ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилиб, муолажадан норозилиги, шунингдек, айбсизлигини исботлаш учун шифокорларга таъйиқ ўтказишади. Бу каби вазиятларда тиббиёт ходими мажбурий куч ишлатиб, асабилаштириш оқибатида хатотликка йўл қўяди.

Шунингдек, шифокорлар кўпинча ўзининг хизмат вазифасини бажариш жараёнида руҳий зўриқиш, соғлиғи ва ҳаётига таҳдид қилувчи ҳар хил ижтимоий гуруҳдаги одамларга дуч келишади. Соҳа ходимларининг бемор қариндошлари томонидан ҳақорат қилиниши, айрим ҳолларда эса уларга тан жароҳати етказилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу нафақат бизнинг юртимизда балки қўшни мамлакатларнинг ҳам оғрикли муаммоси ҳисобланади. Лекин, баъзи чет давлатларда тиббиёт ходимлари ҳаётига ҳавф солувчи хатарини кўришга беморга тиббий ёрдам беришга ошиқишмайди, балки полицияни чақириб, улар келгандан сўнг шифокор тиббий ёрдамини кўрсатади. Бу ҳолат шифокорларнинг маъсулиятсизлиги билан эмас, балки ўз ҳавфсизлигини таъминлаш билан баҳоланади. Шунингдек, Англия-

да "тиббиёт ходимларни химоялаш жамияти" мавжуд бўлиб, кўплаб шифокорлар ушбу жамиятга аъзо ҳисобланади. Мазкур жамиятга аъзо ҳар қандай шифокор ўз химояси учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу жамиятда малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритиб, шифокорларни муаммоли вазиятларда химоя қилишади.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, мамлакатимизда тиббиёт ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилиш механизмининг йўқлиги, тиббиёт ходимлари атрофида носоғлом муҳит келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Яна шу ўринда таъкидлаш зарурки, Юртобштимиз раҳнамоларида кўп сонли тиббиёт ходимлари меҳнати кадрлиб, улар давлатимизнинг юксак муқофотларига, академик деган муносиви даражасига сазовор бўлмоқдалар. Демак, тиббиётнинг олий мақсади инсонлар саломатлигини асраш экан, бу борадаги фаолиятларни такомиллаштириб, нафақат биргина соҳа ходимлари балки, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ўзбекистон Республикасининг деярли барча қонунчилик ҳужжатларида бемор ҳуқуқлари ва шифокор мажбуриятлари акс эттирилган бўлиб, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқлари умумфқарорлик ҳуқуқлари доирасида химоя қилинади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий химоя қиладиган меъёрий ҳужжат ишлаб чиқишини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.**

**Зулхумор МУТАЛОВА,**  
Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти директори.

## Долзарб мавзу

## ...ИМКОНИЯТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Жорий йилнинг 6 июнь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва бу борадаги экспорт салоҳиятини оширишда қўйилган Халқаро Кодекс Алиментариус стандартлари муҳокамасига бағишланган анжуман ташкил қилинди. Идораларо ўтказилган тадбирда мамлакатимиз мутахассислари ҳамда хорижлик экспертлар иштирок этди.



Халқаро иштирокли анжумани Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати бosh бошқармаси бosh мутахассиси Наталья Шарипова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда аҳоли эhtiёжини қоплаш ва экспортга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилётган ишлар, жумладан, ушбу маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, истеъмолга яроқчилиги ҳамда сифат даражасига оид қўйиладиган талаблар, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари, қолаверса, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари фаолияти назоратини олиб боришда санитария-эпидемиология ҳамда давлат ветеринария хизматининг вазифалари ҳақида сўз юритди. Шу билан бирга, 1963 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ва ФАО ташкилотлари иштирокида ташкил қилиниб, бугунги кунда нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро битимларда ҳам ўзига хос мавқе эгаллаб келаётган Халқаро Кодекс Алиментариус қўмитасининг фаолияти хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси

раҳбари Лианн Купенс сўзга чиқиб, мавзу доирасида йўлга қўйилган фаолиятлар, айниқса, Ўзбекистон ҳўкумати томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада назоратни кўчатириш юзасидан олиб борилаётган ислохотлар эhtiборга молиқлигини таъкидлади. Бундан ташқари, олинган турган вазифалар, амалга оширилиши лозим бўлган зарурий чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтди. Шунга ҳам алоҳида айтиш жоизки, анжуманда қўшни Қозоғистон Республикаси делегацияси аъзолари ўз маърузалари билан фаол иштирок этди. Бошқача айтганда, Кодекс Алиментариус қўмитасининг координатори сифатида бу борадаги фаолиятлар самардорлиги ҳамда Қозоғистон тажрибаси ҳақида ахборот берди.

**Найля КАРСЫБЕКОВА,**  
**«Кодекс Алиментариус»**  
**қўмитаси координатори,**  
**Қозоғистон:**

– Масалага бир жиҳатдан инсон саломатлиги нуктаи назари билан ёндашиш лозим бўлса, иккинчи томондан экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига мослигини таъминлаш, деб қараш жоиз. Сабаби, ҳар қандай экспорт салоҳияти юқори давлатларда ҳам импорт маҳсулотларга эhtiёж топилади ва бу

айнан озиқ-овқат маҳсулотлари учун бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар сифатлиги, уларнинг санитария-эпидемиология талабларига қанчалик жавоб бера олиши, натижада инсон саломатлигига таъсири тўғрисида жиддий муҳолага юритиш вақти келди, деб ҳисоблайман. Биламан, бу борада мамлакатингизнинг имкониятлари кенг ва режалаштирилаётган лойиҳалар таҳсинга лойиқ. Бозорларингизнинг маҳсулотларга тўлалиги, уларнинг хилма-хиллиги кўзимизни қувонтирди, сифат борасида ҳам муаммага дуч келмадик. Демак, мамлакатингизда Кодекс Алиментариус стандартлари бўйича ортиқча муаммолар тўғилмайди.

**Анатлий ХУДАЙБЕРГАНОВ,**  
**Соғлиқни сақлаш**  
**вазирлигининг озиқ-овқат**  
**шиши гигиенаси бўйича бosh**  
**мутахассиси:**

– Давлатимиз 2005 йилдан буён Жаҳон савдо ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Кодекс Алиментариус стандартлари эса мазкур ташкилотнинг асосий талабларидан бири саналади. Шу маънода бугунги анжуман мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни экспорт қилишда рақобатдошлигини кўчатириш масалаларига бағишланганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Мухокамаларнинг идораларо мутасаддилар иштирокида ўтказилишдан қўзланган мақсад эса нафақат озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, балки бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, улар таркибидagi инсон саломатлиги учун фойдали хусусиятларнинг даражасини ошириш масаласини кўриб чиқишдан иборатдир. Сабаби, бугунги кунда бозорлар тўғрисида истеъмолчилар маҳсулотларнинг ёрлиги қараб, энг яхисини танлашни истади. Шунинг учун улар талабига мос равишда фаолият юритиш мақсадаги мувофиқдир. Айтиш кераки, мамлакатимиз мутахассислари Кодекс Алиментариус қўмитаси Европа бюросининг барча мажлисларида иштирок этиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг халқаро стандартларини ишлаб чиқишда ўз так-



лифлари билан фаол қатнашиб келмоқда. Сабаби, мамлакатимизга кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби нималардан иборат, уларнинг инсон саломатлигига таъсири қандайлиги долзарб масала ҳисобланади. Чунки, сутуви ёки истеъмолчи масаланинг бу жиҳатга ҳар доим ҳам эhtiбор қилавермайди. Қолаверса, ижтимоий тармоқларни кузатиб борсангиз маҳсулотлардаги айни шу муаммолар туфайли салбий ҳолатлар юзга келаётганлигининг гувоҳи бўлаёلمиз. Шу боис, ушбу масалага икки томонлама ёндашиш зарур. Мамлакатимиз ва халқимиз манфаати, албатта, биринчи ўринда туриши лозим.

**Анвар ШУКУРОВ,**  
**Республика давлат**  
**санитария-эпидемиология**  
**назорати маркази бosh**  
**шифокорининг**  
**ўринбосари:**

– Анжуман доирасида муҳокама этилаётган долзарб масалалар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кўчатириш орқали иқтисодиётимизни янада яхшилашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда Кодекс Алиментариуснинг 300

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, анжуманда кўриб чиқилган масалалар аҳоли саломатлигини таъминлашда устувор аҳамиятга эга. Хорижий экспертлар эса мамлакатимизда этиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат даражаси хусусида ижобий фикрлар билдиришди ва давлатимизнинг бу борадаги имкониятларини юқори баҳоладди. Тадбир сўнгида турли фикрлар, тақлифлар ва тажрибалар алмашинуви натижа-сида ўрганилган мавзу доирасида тегишли хулосалар чиқарилди.

**Ҳасан АБДУФАНИЕВ,** тайёрлади.  
**Суратлар муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.**

## Анжуман

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ...



Яқинда пойтахтимиздаги «АКФА Медлайн» кўп тармоқли тиббиёт марказида Республика болалар кам инвазия ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази томонидан «Педиаатрия жарроҳлигида замонавий технологиялар» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тадбир доирасида ўзбекистонлик ҳамда Россия, Германия, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан келган олимлар томонидан болалар хирургияси ривожига қаратилган мавзуларда маҳорат дарслари ўтказилди. Анжуман давомида хорижлик малакали

жарроҳлар билан доимий алоқалар ўрнатилди, тажриба алмашилди, шу билан бирга, болалар хирургиясида замонавий инновацион технологияларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

– Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан болалар соғлигини

асрашга катта аҳамият берилмоқда, – дейди «АКФА медлайн» кўп тармоқли марказ бosh шифокори Фузулиддин Арипходжаев. – Ҳозирги кунда тиббиётнинг хусусий секторига берилётган имтиёз ва имкониятлар натижа-сида хусусий клиникаларда ҳам жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Конференция борасида хорижлик мутахассислар иштирокида юқори технология операция бажарилиб, бу жараён конференция залида тўғридан-тўғри трансляция қилинган мутахассисларнинг малакасини оширишга амалий ёрдам бўлиб хизмат қилади, десам муболага бўлмайди. Бу нафақат муассасамизнинг ўзида балки хорижий ҳамкор клиникаларда ҳам веб-назар тарзда узатилиб, малакали олимлар билан мулоқотга киришилди. Икки нафар болада диафрагмаль грижа, сийдик йўллари тўғрисида касалликларини бартараф этиш бўйича ўтказилган юқори технология операция муваффақиятли бажарилди.

Ўйлайманки, истиқболда бу ҳамкорлигимиз янада кенгайди.

– Дунё тиббиётида нафақат академик, балки симуляцион таълимга ҳам алоҳида эhtiбор берилмоқда, – дейди қозоғистонлик реаниматолог-анестезиолог Руслан Жанпузов. – Бунинг учун етарли манекен, тиббий анжомлар, барча шарт-шароитлар яратиб берилиши зарур. Бу таҳсил олаётган талабаларга амалий машғулотлар ўтказиш, уларнинг ҳатоларини жойида тўғрилаш имконини беради. Бугун ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, симуляцион ўқув машғулотларини жорий йилиш бўйича келишиб олдик. 13 йил мобайнида ҳозирги Тошкент педиаатрия тиббиёт институтида таҳсил олганман. Ушбу муассасада етакчи олимлар томонидан ўқув машғулотлари интерактив тарзда олиб борилад эди. Унда Россиянинг тиббиёт муассасалари, олий ўқув юртраги билан яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган

эди. Ҳозирда эса бу фаолиятлар янада кенгайтирилгани, Қорақалпоғистон Республикасида унинг филиали очилганини кўриб хурсанд бўлдим, албатта. Бу мамлакатингизда педиаатрия йўналишида эришаётган ютуқларнинг бир ифодаси, ҳолос. Шифокорларингиздан ўрганадиган жиҳатлар кўп. Уларнинг тажрибаларини амалиётимизга татбиқ этсак арзийди, албатта. Шу боис, ушбу тадбирда ҳаморлигимизни мустаҳкамлашга келишиб олдик.

Тадбир доирасида таниқли болалар шифокори, профессор Александр Разумовский ва рус педиаатрия уролог-анолог Сергей Ятсий иштирокида 3 ёшли болада лапароскопик жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Шунингдек, бир ёшли боланинг сийдик йўлларида камплекс операция қилинди. Бу жараёнда мутахассислар ҳар бир янги тиббий ва диагностика усулларини муҳокама қилишди.

**Жонибек МАЪРУПОВ.**

# «ЎЗБЕКИСТОН НЕЙРОХИРУРГИЯСИ ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ»

## – дейди украиналик академик Евгений ПЕДАЧЕНКО

Сўнги йилларда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилган.

Уларнинг ижроси юзасидан мамлакатимиздаги ихтисослашган тиббиёт муассасалари шифокорлари вилоятларга бориб, аҳоли орасида тиббий кўриқлар ташкил этишмоқда. Айтиш жоизки, ушбу жараёнларда нафақат юртимизнинг етакчи мутахассислари, балки хорижлик олимлар томонидан ҳам юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ҳамда маҳорат дарслари ўтказиб келинмоқда. Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам бўлиб ўтди.

Унда Украинанинг академик А. Ромаданов номидаги нейрохирургия институти директори, Жаҳон нейрохирурглар жамияти раиси федерацияси вице-президенти, тиббиёт фанлари доктори, академик Евгений Педаченко иштирокида соҳанинг долзарб мавзуларига бағишланган маҳорат дарслари ҳамда жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Шу билан бирга, 5 йилга мўлжалланган ўзбек-украин нейрохирургларининг ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланди. Айтиш жоизки, бундай илмий-амалий ўқув семинари Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

– Сўнги йилларда Давлатимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўплаб ислохотлар

амалга оширилмоқда, – дейди Республика нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори **Ғайрат Қориев**. – Эътирофлиси, улар ўзининг ижобий самарасини бериб, тиббиётни халққа янада яқинлаштирмоқда. Лекин Президентимиз айтганларидек, соҳада муаммо ва камчиликлар йўқ эмас. Яъни жойларда кадрлар ҳамда тўлиқ таъминлаш масалалари талаб даражасида эмас. Шифокорларнинг малакасини ошириб бориш, замонавий тиббиётдан хабардор бўлиши асосий эътиборда. Бунинг учун кадрлар, ёш му-

тахассислар хорижнинг етакчи клиникаларида малака ошириш учун юборилмоқда. Уларнинг олимлари ҳам муассасамизга келиб, семинарлар ташкил этишмоқда. Бугунги имзоланган ҳамкорлик меморандуми эса бу фаолиятларни янги bosқичга кўтаришга ишонаман. 5 йил мобайнида ёш мутахассисларимиз Украина давлатига бориб, замонавий асбоб-усуналарнинг ишлатилиши, юқори технологик жарроҳлик амалиётлари, нейрохирургик касалликларни профилактикаси ва уларни даволашда янги усулларни ўрганишда. Ўзлаштирилган билимларни мамлакатимиз тиббиётига татбиқ этишадди.

Тадбирда маърузачилар то-



кўра, мутахассисларнинг малака алмашиши, ҳамкорликда илмий изланиш олиб бориши, соҳанинг янги қирраларини кашф этишидаги ишлар кучайтирилади. Шу кунларда Қарши, Самарқанд шаҳарларида бўлиб, у ердаги тиббиёт муассасаларидаги фаолиятлар билан яқиндан танишдим. Шифокорларнинг билим ва кўникмаси, қилаётган операциялари, эришаётган ютуқларини алоҳида эътироф этмоқчиман. Турли мавзуларда ўқиган маърузам жараёнларида кузатдимки, уларнинг соҳа тараққиётига бўлган иштиёқ баланд. Бу ҳамкорлигимиз тиббиётнинг ушбу йўналиши бўйича касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикага ишларини яна кучайтириш имконини беради, десам муболага бўлмайди.

Шунингдек, тадбир доирасида украиналик академик Евгений Педаченко иштирокида саккизинчи кўрак умуртқа поғонаси гемангиомаси орқали синдроми билан касалланган беморда жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилди.

**Дарҳақиқат, соҳа ходимларининг замонавий тахшиш қўйиш ва инновацион технологиялар бўйича билимларини ошириш ва халқаро тажрибани ўзлаштириш каби мақсадларга қаратилган ушбу тадбирлар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини ҳам бераётгани эътирофга молик.**

**Жонибек МАЪРУПОВ.**

### Тадбир

## БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ШОДЛИК УЛАШИБ...

Куни кеча Тошкент тиббиёт академияси I клиникасининг болалар бўлимида даволанаётган кичкинтойларга клиника раҳбарияти томонидан Халқаро болалар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда болалар бўлимидаги оналар ва болалар, жамоада фаолият юритаётган кам таъминланган оила аъзоларининг фарзандлари, шифокору ҳамширалар иштирок этдилар. Қатнашчилар спортнинг турли йўналишларида ўзаро беллашдилар.

– Клиникамизда Халқаро болалар кунини нишонлаш аънамага айланаб қолган. Дастуриримиздан асосан, спорт тур-

лари, тасвирий санъат, бадий ижод йўналишидаги сценарийлар ўрин олган бўлиб, унда даволанувчи болалар ҳамда ходимларнинг фарзандлари фаол иштирок этдилар. Ҳар йилги тадбирга қараганда бу галгиси ниҳоятда кўтаринки кайфиятда ўтди. Ҳатто болажонларимизга 1-, 2-, 3- ўринлар ажратилиб, голиблар аниқланди. Совриндорлар қаторида иштирок этган ва даволанаётган кичкинтойларга ҳам раҳ-

барият томонидан совғалар улашилди, – дейди Тошкент тиббиёт академияси I клиникаси бош шифокорининг «Хамширалик иши» бўйича ўринбосари **Гулнора Усмонова**.

Албатта, бир сўз билан айтганда болажонлар шодлигига нима етсин. Ана шундай эзгуликка қаратилган тадбирларни ташкиллаштиришда муносиб ҳиссасини қўшаётган клиника бош врач Шухрат Дадажонов ҳамда ташкилотчилардан фарзандлари саломатлигини тиклаётган онажонлар чексиз миннатдор бўлмоқдалар.

**Саҳифадаги суратлар муаллифи Ақром АБДУЛЛАЕВ.**



Газета муассиси:  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Бош муҳаррир  
**Баҳодир ЮСПАЛИЕВ**  
Бош муҳаррир ўринбосари  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қavat.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 4505 нусха.  
Буюртма Г-637.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.